ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО

# КИМДИР СЕВИШИНИ БИЛМАЙ ЯШАЙСИЗ



## СУРАТ

*Нигоҳини қуёш чархлайди,*
*Кафтларида ўсади тоғлар.*
*Кипригида шамол ухлайди,*
*Товонида қақроқ булоқлар.*
*Қарашидан куйдим саҳродай,*
*Тоғдан оёқ қонатиб кечдим.*
*Булоқлардан, унут сафодай,*
*Ғўза каби ҳасратни ичдим.*
*Аёл бола боқар чодирда,*
*Юзларида ойни доғлайди.*
*...Ўша ўзбек менга тандирда*
*Унутилган нонга ўхшайди.*

* * *

*Демадим, ҳеч нарса демадим сизга,*
*Айниқса, севаман деганим ёлғон.*
*Минг марта йўлиқдим энг гўзал қизга*
*Ва ҳар гал ўзимни қилдим қатағон.*
*Демадим ҳеч нарса, сизга демадим,*
*Яхши кўраман деб алдадим фақат.*
*Ҳеч қачон ҳеч кимни ҳечам севмадим,*
*Қилолдим энг нозик зулмга тоқат.*
*Демадим, демадим сизга ҳеч нарса,*
*Сиз кимсиз? Илк бора кўряпман сизни.*
*Менга ёқасиз деб алдадим роса,*
*Алдадим алданмас кулгучингизни.*
*Ҳозир кетаяпман, эрта келаман,*
*Кўрмайман кўзингиз ёшлар тўкканин.*
*Дунёдаги ҳамма қизни севаман,*
*Севаман дунёнинг барча тиканин.*

## КЕРАК

*Арғумоққа чавандоз, бургутга чўққи керак,*
*Баланд осмонга лочин, шоирга кўнгил керак.*
*Биринж камонга мерган, камонга бир ўқ керак,*
*Бир аёлга битта қиз, йигитга ўғил керак.*

* * *

*Дейсиз: «Сизни кўрмасам кўргим,*
*Кўрсам кўргим келмайди сира».*
*Ўзингизни яхши кўрасиз,*
*Менинг эса кўзларим хира.*
*Суйдим. Куйдим. Бўлди. Бас. Кетинг.*
*Кетманг. Жоним, севгилим! Тўхтанг!*
*Сизга милтиқ бераман, мени*
*Отмоқ учун ўзингиз ўқланг.*
*Тирик ташлаб кетманг, севгилим,*
*Мени отиб ўлдириб кетинг.*
*Етмасимдан ҳали тобутга,*
*Менсиз гўзал бахтларга етинг.*

* * *

*Кўнглимнинг ёнидан оқмоқда ҳаёт,*
*Севгининг ёнида титрайди дилим.*
*Умримни сиз учун қилмадим бунёд,*
*Ҳатто, «ёқасиз», деб айтмадим, гулим.*
*Бошқа юрак эмас, чигал тугун бу,*
*Сизни яширганман, уни ечмайман.*
*«Яхши кўраман», деб айтмайман, лекин*
*Ҳеч қачон, ҳеч қачон сиздан кечмайман.*
*Қошингиз қаро йўл, оқ бармоқларим*
*Ҳеч қачон бу йўлдан юриб ўтолмас.*
*Тинчу титроқларим атрофингизда,*
*Сизни қуршаганлар гул ё қуш эмас.*
*Сизга қизиғим йўқ. Қизиқ гаплардан*
*Саодат сачратиб кула бошлайсиз.*
*Менинг шўримгами, ёнгинангизда*
*Кимдир севишини билмай яшайсиз.*

* * *

*Келган келди. Кетганлар кетти.*
*Ютган ютти. Ютқазган ҳам кўп.*
*Хайриятки, сизга тегмади*
*Юрагимни тешиб ўтган ўқ.*
*Ҳаётимни гаровга қўйиб,*
*Сизни ютиб олдим рақибдан.*
*Ҳайиқмасдан яшайсиз энди.*
*Қутиласиз мангу таъқибдан.*
*Кетинг, кетинг бу давралардан!*
*Қарталарга бўлмангиз эрмак.*
*Сарғайтириб бармоғингизни*
*Чекмоқ, сизга, айтинг, не керак.*
*Ҳеч бўлмайсиз энди қўлма-қўл,*
*Шароб ҳиди билан ўпишмас.*
*Синдирибон тунчироқларни,*
*Ёруғ китоб каби ўқишмас...*
*Ўз-ўзимни яна алдайман,*
*Дилда яна ёлғончи жаранг.*
*Мен ҳаммани алдаб яшайман,*
*Сиз мени алдаманг! Алдаманг!*

**Салим АШУР**



СОҒЛИГИНГ -- САОДАТИНГ





*Балиқчи туманининг «Эски Хаққулобод» фуқаролар йиғини ҳудудида меҳнаткашлар саломатлигини сақлаш, қишлоқ кишиларига тиббий хизмат кўрсатиш борасида яна бир ибратли қадам қўйилди. Бу ерда барча қулайликларга эга мухташам ва замонавий қишлоқ врачлик амбулаторияси иш бошлади.*

*СУРАТЛАРДА: қишлоқ врачлик амбулаториясининг қўли енгил шифокори Рустамжон Хушназаров ҳамда янги даволаш масканининг умумий кўриниши.*

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.**

# «ТЕЗ ЁРДАМ»ГА ХЎБ ЁРДАМ

***Гурлан туманида туғилган бир ибратли ташаббус туфайли Хоразм вилоятидаги аксарият шифохоналарнинг турли тиббиёт воситаларига бўлган муҳтожлиги барҳам топаяпти.***

Воқеа шундай бўлганди. Тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоларидан бири иттифоқо нохушланиб шифохонага тушди. Бирор ҳафта ўтгач раис Озод Жонибеков уни йўқлаб касалхонага келди. Кўрса бемор тараддудланиб турибди:

-- И-е, дўхтирлар жавоб беришдими? -- деди у касални кўришга фурсат топиб келолмагани учун хижолат тортиб.

-- Йўғ-е, раис бува, жавоб беришгани йўқ. Эгнимдаги кийимларга қараб ҳайрон бўлманг. Касалхонада кийим-кечак етишмас экан. Шунга ўзимизнинг иш кийимида юрибман. Ўрин-тўшакни ҳам уйдан обкелганмиз.

Раис мулзам бўлди. Деҳқон бечора эртаю кеч заҳмат чекиб ишласа-ю, бирор кори-ҳол сабаб хасталанганда оддий шарт-шароитдан ҳам бебаҳра қолса.

Жонибеков касалхонада кўрганларини шу куниёқ оқизмай-томизмай туман ҳокимига айтиб берди. Ҳоким раиснинг дашномини тўғри қабул қилди. Масалани фаоллар йиғилишига қўйди. Кўпчиликдан фикр олгач, муддаога кўчди:

-- Шифохона учун ҳар бир хўжалик ўртача 35 -- 40 тонна пахта толаси ажратса бари ўрнига тушади.

Йиғилиш шифохона эҳтиёжлари учун умумий 400 тонна пахта толаси ажратиш юзасидан якдил қарор қабул қилди. Бир вақтлари чала қолган туман дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳи мажмуи қурилишини ҳам ҳашар усулида тугаллаш бўйича бир тўхтамга келинди.

Хўжаликлар ҳадяси тез орада эгалари қўлига топширилди. Улар ҳам ҳаяллашмади. Толани сотишдан келган пулга туман марказий шифохонаси учун етарли миқдорда тиббиёт асбоб-анжомлари харид қилинди. 4 та янги «Тез ёрдам» машинаси, замонавий даволаш ва ташхис қўйиш ускуналарига буюртма берилди. Маблағ шифохона ҳудудини ободонлаштириш, мукаммал таъмирлашга ҳам кифоя қилди.

Оммавий ҳашар ҳам ўз самарасини берди. Республикалараро «Қиличбой» магистрал канали соҳилидаги сўлим ва баҳаво масканда туманнинг қалдирғоч санаторийси қурилиши ниҳоясига етказилди. Ўзаро келишувга биноан замонавий оромгоҳнинг очилиш маросимига тумандаги ҳар бир корхона, хўжалик, ташкилот ва муассаса раҳбари, мулк соҳиблари баҳоли қудрат тўёна— гилам, поёндоз, полос каби буюмлар билан келди.

Гурлан тумани деҳқончилик саноати мажмуи ходимларининг шифохоналарга моддий ва амалий мадад уюштириш юзасидан бошлаган ташаббуси бошқа шаҳар ва туманларда ҳам қўллаб-қувватланаяпти. Ҳомийлар ҳиммати туфайли ҳозиргача жами 15 та «Тез ёрдам» машиналари харид қилинди. Таъмирталаб автомашиналарнинг бир қисми созланиб, шифохоналар хизматига қайтарилди. Булардан ташқари, 25 миллион сўмлик янги тиббий асбоб-ускуналар беминнат туҳфа сифатида касалхоналарга топширилди. Вилоятдаги 15 та йирик меҳнат жамоасининг ажратмаси эвазига эса шифохоналардаги мавжуд ўринларнинг ҳар бири учун биттадан ўрин-тўшак сотиб олинди. Дўстлик шаҳри, Ҳазорасп тумани шифохоналарида эса меҳнат жамоаларининг маблағи эвазига шартнома асосида ишлайдиган бўлим ва даволаш хоналари очилди. Булар шарофатидан тежалган ўн миллионларча сўм маблағни дори-дармонлар олишга харжлаяпмиз.

**Абдулла СОБИРОВ**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ -- ФАРҒОНАЛИК ИЛҲОМЖОН

Ўтган йили футбол бўйича Қирғизистон Республикасининг миллий чемпионатида Қадамжой шаҳрининг «Металлург» жамоаси ғолибликни қўлга киритган эди. Жамоа Москвада ҳамдўстлик мамлакатлари ва Фарғона шаҳрида ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этди.

Жамоанинг бу муваффақиятларига иқтидорли ҳимоячиси, Фарғона футболида камол топган ўзбек йигити Илҳомжон Зайнобиддинов ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Яқинда қирғизистонлик спорт журналистлари йилнинг энг яхши футболчисини аниқлашди. Ана шу сўров натижаларига кўра Илҳомжон Қирғизистоннинг энг моҳир футболчиси деб топилди. Энди Фарғона футболининг вакиллари бошқа мамлакатларда ҳам довруғ қозонишяпти.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАНЛОВ

***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда қўмита қошида ташкил этилган "Гендер ва тараққиёт" бўлими директори лавозимига танлов эълон қилади.***

**Вазифаси:** гендер муаммоларини ҳисобга олган ҳолда республика аёлларининг маданий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини янада яхшилашга йўналтирилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уни амалга ошириш.

**Малакаси:** инглиз ва ўзбек тилларида эркин гаплаша оладиган, камида 5 йил меҳнат стажига эга бўлган, олий маълумотли (иложи борича социология ва ижтимоий фанлар бўлгани маъқул) киши бўлиши лозим.

**Ариза топшириши мумкин:** юқорида баён этилган талабларга жавоб берадиган, хоҳиши бўлган кишилар БМТ ваколатхонасига Наталья Лихмачевага мурожаат этишлари ҳамда таклиф этилган анкетани тўлатиб, ўзларининг таржимаи ҳоллари билан бирга топширишлари лозим. Инобатга олиш лозимки, танлов жараёни ушбу эълон нашр этилган кундан бошлаб, икки ҳафта мобайнида давом этади.

**Манзил:**
***Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 4.***
***БМТ ваколатхонасининг биноси.***
***Телефонлар: 56-06-06, 39-48-35.***

## Конкурс

***Представительство ООН совместно с Комитетом женщин Республики Узбекистан объявляет конкурс на замещение должности директора создаваемого в Комитете женщин отдела "Гендер и развитие".***

**Обязанности:** подготовка и реализация проектов, направленных на улучшение духовного, социального и экономического развития республики, на базе равенства возможностей мужчин и женщин.

**Квалификация:** высшее образование (предпочтительно в области социологии и общественных наук), минимум пять лет трудового стажа. Свободное владение английским и узбекским языками.

**Подача заявлений:** заинтересованные лица, отвечающие приведенным выше требованиям, могут обратиться в представительство ООН к Наталье Лихмачевой и заполнить предложенную анкету, которую следует возвратить вместе с автобиографией в течение двух недель с момента публикации данного объявления.

**Адрес:**
***г. Ташкент, ул. Тараса Шевченко, 4,***
***здание представительства ООН.***
***Телефоны: 56-06-06, 39-48-35.***

## JOB ANNOUNCEMENT

United Nations Office in Uzbekistan together with the Women's Committee of Uzbekistan seek candidates for the post of the Head of the Gender in Development Unit which is being created within the Women's Committee.

**Duties and Responsibilities.** The candidate will develop and execute projects and activities with the aim of achieving gender equality and the advancement of women in Uzbekistan.

**Qualifications required:** A university degree (preferably in social science), a minimum five years of practical and/or academic experience. Full fluency in English and Uzbek languages.

**Applications.** Applicants should contact the receptionist of the United Nations Office, Natasha Likhmacheva, to collect an application form and submit it along with a full CV within two weeks .

**Address: the UN Office in Uzbekistan,**
**4 Tarasa Shevchenko str., Tashkent,**
**telephone: 56 06 06; 39 48 35**

UZDUNROBITA
cellular



Энг жанубий уяли телефон тармоғи абонентлари диққатига!

***"Ўздунробита"***

уяли алоқа ўзбек-америка қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси уяли алоқа тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурини бажара бориб, замонавий электрон ускуналар базасида Термиз шаҳрида янги уяли алоқа станциясини ишга туширди.

**Абонентлар тармоққа уланмоқда.**

Диққат!

"Ўздунробита" ҚКнинг

Термиз шаҳридаги филиалининг боғланиш телефон рақами:

***(8-376-22) 44-275***

*Маълумот учун Тошкентдаги телефон: 30-09-09.*

*Термиз шаҳрида янги уяли алоқа станциясининг ишга туширилиши унга муҳтож абонентларни замонавий чаққон телефон алоқаси билан таъминлаш, масалаларни ҳал этишни анча тезлаштириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш имконини беради.*

**"Ўздунробита" ҚК**

***Газетанинг навбатдаги сони 7 март, жума куни чиқади.***



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир —А. Йўлдошев.
Навбатчи — П. Гадоев.
Мусаҳҳиҳ —А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0157 46.149 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.00**

1 2 3 4 5 6